# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 3 сентябрь, № 170 (6100) Чоршанба


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

**Франсуа Олланд** — Франция Республикаси Президенти

**Ражаб Тайийб Эрдўғон** — Туркия Республикаси Президенти

**Аҳмет Давутўғли** — Туркия Республикаси Бош вазири

**Жоржо Наполитано** — Италия Республикаси Президенти

**Бронислав Коморовски** — Польша Республикаси Президенти

**Каролос Папулиас** — Греция Республикаси Президенти

**Абдулла II** — Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи

**Илҳом Алиев** — Озарбайжон Республикаси Президенти

**Абдул Ҳамид** — Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

**Шайх Ҳасина Вазед** — Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири

**Тони Тан Кенг Ям** — Сингапур Республикаси Президенти

**Ҳожи Ҳассанал Болкиях** — Бруней Султони

**Абду Раббу Мансур Ҳоди** — Яман Республикаси Президенти

**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний ва бошқалар** — Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилувчи ўзбек ватандошлар

**Мирослав Енча** — БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий маркази раҳбари

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Мустақил тараққиёт йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришилган юқори ўсиш суръатлари билан бугун ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Энг муҳими, Ватан тараққиёти, мамлакатдаги ўзгаришу янгиланишлар самараси юртдошларимиз турмуш фаровонлиги, хонадонлардаги қут-барака, тинчлик-осойишталик тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.*

## Энг улуғ, энг азиз байрам қувончи

*Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, “Биз ўта оғир, машаққатли синов ва курашларда қўлга киритган Ватанимизнинг мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, барчамизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган, биз босиб ўтган тарихан қисқа даврда нималарни бошимиздан кечирдик, нималарга эришдик, таъбир жоиз бўлса, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган фикр-мулоҳазалар беихтиёр хаёлимиздан ўтиши табиийдир”.*

*Бу юртимизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда нишонланган истиқлол шодиёналарида яна бир карра намоён бўлди.*

Хусусан, “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи юртдошларимизни ҳам хайрли ташаббуслар сари ундади. Натижада Оролбўйи минтақаси аҳли энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб ютуқлар билан қарши олди. Хусусан, байрам арафасида Амударё туманида лойиҳа қиймати 43,3 миллион АҚШ долларилик “Amudaryotex”, Манғит туманида Кения қора чойини қадоқловчи “Манғит нодир моллари”, Хўжайли туманида аккумулятор тайёрлашга ихтисослаштирилган “Нурбек оқолтин”, Қўнғирот туманида “Қўнғирот натрий сульфат” корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Нукус шаҳридаги муҳташам амфитеатрда бўлиб ўтган театрлаштирилган байрам томошасида ана шундай муваффақиятларга алоҳида урғу берилди.

Андижонда ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллиги катта тантана қилинди. Айём кунлари ҳудудда саноат, савдо, хизмат кўрсатиш, спорт ва таълим йўналишларида жами 100 та иншоот фойдаланишга топширилди. Жумладан, Булоқбоши туманида болалар спорт мажмуи қурилишига 2 миллиард 292 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлса, Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига 6 миллиард 630 миллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, мукаммал реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган 18 та мактаб ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди. 31 мавзеда қад ростлаган 977 та намунали тураржой соҳиблари истиқлол шодиёналарини янги ҳовли-жойларда кутиб олди.

(Давоми 2-бетда).

## ЙИРИК ТЎҒОНЛАР ҚУРИЛИШИГА САРФЛАНГАН ХАРАЖАТ ЎЗИНИ ОҚЛАМАЙДИ

*Жак Лесли, «The New York Times», 2014 йил, 22 август*

Йирик гидроиншоотлар қурилишининг аҳоли ҳаётига таъсири масалалари бўйича етакчи мутахассис Таер Скуддер йирик тўғонлар барпо этилиши нечоғли мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги фикрини ўзгартирди.

Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳалари бўйича доимий маслаҳатчи бўлган Скуддер ўзининг 58 йилдан кўпроқ фаолияти давомида тўғонларни тегишли равишда барпо этиш ва бошқариш аҳолининг қашшоқлик даражасини, бундай иншоотлар етказадиган ижтимоий ва экологик зарарни камайтиради, деб ишонар эди. Бироқ 84 ёшни қаршилаган мутахассиснинг яқинда матбуотда ёзишича, йирик тўғонлар нафақат сарфланган харажатларни оқламайди, балки айни пайтда барпо этилаётган кўплаб тўғонлар «ҳалокатли экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади».

Калифорния технология институтининг ижтимоий фанлар бўйича фахрий профессори Скуддер тўғонлар барпо этилиши билан боғлиқ қарашлари йиллар давомида ўзгариб боргани ҳақида ёзади. Тўғонлар қурилиши тарафдори бўлган олим 1956 йили ўзининг бу мавзудаги дастлабки тадқиқот ишини амалга оширган. Ўшанда у бугунги Замбия ва Зимбабве давлатлари ҳудудидаги Гвамбе водийсидан 57 минг кишини мажбурий кўчириш оқибатларини ўрганган. Ўша пайтларда Жаҳон банки фаолияти тарихида энг катта миқдордаги кредит ҳисобидан молиялаштирилган Кариба тўғони қурилиши оқибатида Тонго аҳолисини Замбези дарёси оқими бўйлаб жойлашган унумсиз ерларга кўчиришга тўғри келган эди.

Шундан буён Скуддер ушбу одамлар ҳаётини кузатиб келади. Илгари аҳил ва мустақил ҳаёт кечирган Тонго аҳолиси кўчирилганидан сўнг очарчилик, ичкиликбозлик ва ишсизлик муаммосига дуч келди. Чорасиз қолган айрим кишилар эса кун кечириш мақсадида ноқонуний наркотиклар етиштириш ва унинг контрабандаси, браконьерлик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳудуд аҳолиси электр энергияси етишмаслигидан ҳам азият чекмоқда.

Яқинда Лаосда «Нам Теун — 2» тўғони лойиҳасида ҳам маслаҳатчи сифатида иштирок этган Скуддер тўғонлар қурилишидан фойда келишига бўлган ишончини мутлақо йўқотди. Скуддер ва унинг икки маслаҳатчиси тўғон лойиҳасини қурилиш ҳомийларига кўчириладиган одамларга тўғонни барпо этишдан аввал яшаш учун яхши шароит яратиб берилишини кафолатлайдиган чоралар ишлаб чиқиш талаби борлиги учун қўллаб-қувватлаган эди. Мазкур тўғон қурилиши 2010 йилда якунланган бўлса-да, юқоридаги талаблар бажарилмасдан қолиб кетди. Қолаверса, тўғонни тасарруф этувчи уч ташкилот бунинг учун жавобгарликни Лаос ҳукумати зиммасига юклашга интилмоқда.

Скуддер шу муносабат билан берган интервьюсида «Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лаос ҳукумати кейинги 20 — 30 йил ичида яна 60 тўғон барпо этишни режалаштирмоқда. Бироқ айни пайтда мамлакат мазкур тўғонлар қурилиши бўйича экологик ва ижтимоий оқибатларни бартараф этишга қодир эмас», деб алоҳида қайд этади.

«Нам Теун-2» тўғони бундай йирик иншоотлар барпо этиш ўта мураккаб вазифа бўлиш билан бирга, бебаҳо табиий ресурсларга ўнглаб бўлмас даражада катта зарар етказиши тўғрисидаги анчадан буён ўйлаб юрган тахминларимни тасдиқлади», дейди у. Энди Скуддер тўғонлар қурилишининг олдини олишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади. 1992 йили у дунёдаги энг сўнгги катта ветландлардан бири — Ботсвана давлатидаги Окаванго дельтасига зарар етказиши мумкин бўлган тўғон қурилишининг олдини олишга ёрдам берган тадқиқотга раҳбарлик қилган эди.

Оксфорд университети олимлари томонидан амалга оширилган ва март ойида «Energy Policy» журналида чоп этилган оламшумул тадқиқот Скуддерга ўзининг бу борадаги фикри кескин ўзгарганини жамоатчиликка етказишга туртки берган сабаблардан биридир. Атиф Ансар, Бент Флавберг, Александр Будзер ва Даниэл Ланн томонидан ўтказилган мазкур тадқиқотда 1934 — 2007 йилларда барпо этилган 245 йирик тўғон учун сарфланган харажатлар статистикаси ўрганиб чиқилган. Унда ҳамма вақт глобал ва салбий муаммо ҳисобланган ижтимоий ҳамда экологик оқибатлар инобатга олинмаган тақдирда ҳам «йирик тўғонлар қурилишига ҳаддан зиёд кўп маблағ сарфлаш кутилган даромад келтирмайди» деган хулосага келинган.

Тадқиқот муаллифларининг фикрича, тўғонлар қурилиши ташаббускорлари ҳаддан ортиқ ўзига ишонади, уларни барпо этиш тарафдорлари эса қуруқ ваъдаларга учиб алданиб қолмоқда ёки тоқат қилиб бўлмас даражадаги коррупцияга дуч келмоқда. Тадқиқот шуни кўрсатдики, тўғонлар қурилишига сарфланган харажатлар қиймати уларнинг смета қийматидан ўртача икки марта, инфратузилма, жумладан, йўллар, кўприк ва туннеллар барпо этишга нисбатан бир неча баробар ортиб кетган. Тўғонлар қурилишига ўртача 8,6 йил вақт керак бўлган ва бу режадаги прогноздан 44 фоиз кўпдир. Муаллифлар бу жуда узоқ муддат бўлиб, катта тўғонлар қурилиши «энергетика билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда кутилган самарани бермаётгани»ни қайд этган.

Тўғонлар қурилиши, одатда, ривожланаётган давлатлардан катта миқдорда молиявий ресурслар сарфлашни талаб қилади. Чунки қурилиш ташаббускорлари инфляция оқибатлари ва валютанинг қадрсизланишини эътиборга олмайди. Йирик тўғонлар қурилишини қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган катта миқдордаги маблағлар ташаббускор давлатлар томонидан кредит шаклида ажратилади ва пировард натижада, бу маблағлар ўзгармас валютада қайтарилиши лозимлигини талаб қилади. Бироқ тўғонлар фаолиятидан тушадиган асосий даромад аҳолига электр энергиясини сотиш орқали маҳаллий валютада шакллантирилади. Маҳаллий валюта курси долларга нисбатан пасайганда эса ушбу кредитлар фоизи янада ошиб кетади.

Бу жараёнлар илгари эътиборга олинмаганининг асосий сабабларидан бири шундаки, тўғонларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича ўтказилган аввалги тадқиқотларда Жаҳон банки каби халқаро кредиторлар ажратган кредитини қайтариб ола биладими, деган фикрдан келиб чиққан. Аксарият ҳолларда эса улар бунга эришган.

Аммо иқтисодий самара олиш илинжида тўғон қуришни мақсад қилган ташаббускор мамлакатлар учун бу жуда оғир кечган. Йирик тўғонлар қурилиши лойиҳаси қиймати шу даражада улканки, 1980-йиллардан бошлаб уларни барпо этиш учун керагидан ортиқ маблағ сарфланиши Туркия, Бразилия, Мексика ва собиқ Югославия каби давлатларда қарз билан боғлиқ инқирознинг асосий таркибий қисмига айланган. «Аксарият мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти шу даражада заифки, атиги битта мега-тўғон бўйича қарз мажбуриятлари мамлакат иқтисодиётига ўнглаб бўлмас даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин», дейди ушбу тадқиқотнинг етакчи иштирокчиси Флавберг.

Мазкур фикрни тасдиқлаш учун тадқиқотда айни пайтда Покистонда Ҳинд дарёсини тўсиш орқали қурилаётган йирик Даймер-Бхаша тўғони мисол қилиб келтирилган. Қурилиши 2021 йилда ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган ушбу тўғоннинг лойиҳа қиймати 12,7 миллиард долларни (2008 йилги курсда) ташкил этади. Бироқ тадқиқот унинг қурилиши 2027 йилда ҳам якунланмаслиги, сарфланадиган харажат эса 35 миллиард долларга етишини (яна 2008 йилги курсда) ва бу ўша даврдаги Покистон ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисмига тенг бўлишини кўрсатди.

Тадқиқотда келтирилган мезонлар инобатга олинадиган бўлса, дунёда барпо этилиши режалаштирилаётган кўплаб мега-тўғонлар иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай самара бермайди. Бу, шубҳасиз, Конго дарёсини тўсиш учун мўлжалланган саккизта тўғондан иборат ва дастлабки икки лойиҳасини амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ сарфланган йирик Инга комплексига, шунингдек, Амазонка тропик ўрмонлари ўрнида катталиги бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайдиган гидроэлектр станцияси — Бразилияда қурилиши режалаштирилаётган, қиймати 14 миллиард долларлик Белу Монте тўғони лойиҳасига ҳам тааллуқлидир.

Тадқиқот муаллифлари мега-тўғонларга ўхшаш йирик иншоотларни қуриш ўрнига шамол, қуёш энергияси ва мини-ГЭС каби «муқобил энергия манбалари»ни барпо этишни тавсия қилади. «Биз ҳали-ҳамон барча ишлар алоҳида лойиҳалар асосида қўлда бажарилган 1950-йилларда тўхтаб қолганмиз, — дейди тадқиқотчи Ансар. — Ифодали қилиб айтганда, бугун бизга стандартлаштириш, контейнерга жойлаб ташиш осон бўлган ихчам конструкциялар керак».

Шу ўринда тўғонлар қуриш бўйича ҳозирги халқаро тенденцияларга зид бундай тўғонлар Хитой, Бразилия ва Ҳиндистон компаниялари томонидан ҳали ҳам кўплаб барпо этилаётгани, Жаҳон банки эса бир йил аввал мега-тўғонларни молиялаштиришга доир умрини ўтаб бўлган эски стратегия яна қайта тикланиши мумкинлигини билдиргани кишини ҳайрон қолдиради. Ушбу йирик лойиҳалар ташқи томондангина жозибали бўлиб туюлади, холос. «Тўғонлар — кутилган натижага камдан-кам ҳолларда эришишга ёрдам берадиган нотўғри ёндашув, саноат даврининг асоратлари» эканини англаб етишнинг вақти келмоқда.

*Жак Лесли яқинда ўтказилган «Чуқур жойлашган сув: тўғонлар қурилиши билан боғлиқ давомли кураш, кўчириш дастурига киритилган одамлар ва атроф-муҳит муҳофазаси» тадқиқотининг муаллифидир.*

## СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

### мамлакатимизда умуммиллий даражага кўтарилган бўлиб, устувор аҳамиятга эгадир

2 СЕНТЯБРЬ — БИЛИМЛАР КУНИ

*Ватанимизнинг тараққиёти йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан соҳага изчил татбиқ этилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги таълим даргоҳларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини берди.*



Мактабларда таълим сифатининг оширилиши, тарбия беришнинг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани, фарзандларимизнинг иқтидор ва салоҳияти юзага чиқарилаётгани ана шундай изчил ислоҳотлар мевасидир. Бундай чора-тадбирлар замирида ҳам ана шу мақсад, яъни ўғил-қизларимизнинг келажак тақдирини ўйлаш орқали эртанги тараққиётга мустаҳкам пойдевор қўйишдек эзгу ғоя мужассам.

...Анъанага кўра, янги ўқув йилининг биринчи сабоғи мактабларда “Мустақиллик дарси” билан бошланди. “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган илк дарсларда келажак сари интилаётган ёшларга она-юртга муҳаббат туйғуси, миллий ўзликни англаш, энг бебаҳо, энг азиз неъмат — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗни асраб-авайлаш ва қадрлаш ҳисси ҳар бир фарзанднинг бурчи эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўқувчиларга эса “Мустақиллик дарси” бошланишидан аввал Президент совғаси ҳадя этилди. Болажонлар Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб, беҳад қувондилар. Зотан, бугун уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, улғайиши учун барча имконият яратилаётир. Ёшларимиз янгича, замон талабига хос, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари асосида бунёд этилган кўркам ва муҳташам ўқув масканларида билим олмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ЎН ИККИ НОМДАГИ ЎҚУВ АНЖОМЛАРИ, ДАРСЛИКЛАР ҲАМДА ЎҚУВЧИ СУМКАСИДАН ИБОРАТ ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ **587 минг** НАФАРДАН ЗИЁД БИРИНЧИ СИНФГА ИЛК ҚАДАМ ҚЎЙГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ.

# Энг улуғ, энг азиз байрам қувончи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақиллик ҳаётимизни, онгу тафаккуримизни тубдан ўзгартириб юборди. Буни ўтган 23 йил давомида қадимий Бухорода амалга оширилган оламшумул ишлар ҳам кўрсатиб турибди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда 4 та болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, мактаблар учун спорт заллари қурилди, еттита соғлиқни сақлаш объекти қад ростламоқда. 25 та қишлоқ ичимлик суви билан таъминланди. Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги хиёбонда мусиқали фавворалар барпо этилди. Вилоят аҳли Мустақиллик байрамини ана шундай муносиб ютуқлар билан қарши олди.

"Тўйига тўёна билан" деган нақлга амал қилган Жиззах вилояти аҳли ҳам айёмга муносиб туҳфалар ҳозирлади. Чунончи, Зарбдор тумани тиббиёт бирлашмаси ва Пахтакор туманидаги 2-сонли сил касалликлари шифохонаси, вилоятдаги 10 дан ортиқ умумтаълим мактаблари, 7 та касб-ҳунар коллежи бинолари реконструкция қилинди. Шунингдек, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Жиззах, Зарбдор, Пахтакор ва Дўстлик туманларида ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган қарийб 10 миллиард сўмлик 18 та объект фойдаланишга топширилди.

Навоийликлар Мустақиллик куни муносабати билан вилоят марказидаги муҳташам амфитеатрда жам бўлдилар. Тадбир аввалида истиқлолимизнинг 23 йиллиги арафасида ҳудуддаги 69 та объектда умумий қиймати 41,5 млрд. сўмлик турли иншоотлар, шунингдек, 17 та массивда 677 та намунавий тураржой қуриб битказилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Байрам муносабати билан намойиш қилинган катта концерт дастурида халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ҳамда бағрикенглик фазилатлари дилтортар куй ва қўшиқларга кўчди.

Истиқлолнинг 23 йиллиги байрами Тўрақўрғон туманининг Бураматут қишлоғида яшовчи Ёдгор Назаров ва Сайёра Юсуповага қўшалоқ қувонч олиб келди. Икки ёш қутлуғ айём арафасида оила қуриб, мустақил ҳаёт сари қадам ташлади. Эътиборли жиҳати, уларнинг никоҳи туман марказида бунёд этилган "Бахт уйи"нинг очилиш маросимида тантанали равишда расмийлаштирилди. Умуман, Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларида қад кўтарган юзлаб иншоотларнинг тақдимоти қутлуғ айём тантаналари билан уйғунлашиб кетди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёналари самарқандликлар ёдида ҳам узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Боиси байрам арафасида Иштихон туманининг "Қорақўйили" массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 59 та уй-жой, Челак шаҳри ва Ургут туманида кўркам истироҳат боғлари фойдаланишга топширилди. Тайлоқ тумани Чубот маҳалласида янги министадион, Пахтачи туманида 25-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Пастдарғом туманидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам маҳаллий ёшлар учун чинакам байрам туҳфаси бўлди. Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида бўлиб ўтган айём тантаналарида ана шундай ютуқ ва марралар яна бир бор тилга олинди.

Байрам тадбирлари Сирдарё вилоятининг ҳар бир қишлоқ, шаҳар, маҳалла ва хонадонларида ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият билан ўтди. Улуғ айём арафасида кўплаб ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилиб, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тантаналарда эса эришилган улкан ютуқларимиз, тинчлигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз самаралари тараннум этилди. Хусусан, Гулистон шаҳрининг "Анҳор" томошагоҳида ўтказилган тантанада ижро этилган куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, болалар гуруҳларининг қувноқ чиқишлари иштирокчиларга олам-олам шоду хуррамлик улашди.



Хурсандбек АРАББОЕВ, Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

Сурхон воҳаси аҳли учун бу йилги айём қўшалоқ келди. Боиси, яқинда Президентимиз Фармонига мувофиқ, Жайҳун соҳилида жойлашган қадим ва навқирон Термиз шаҳри "Амир Темур" ордени билан мукофотланди. Қолаверса, Истиқлолнинг 23 йиллик байрами арафасида жойларда юздан зиёд янги иншоотлар иш бошлади.

Энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарини пойтахт вилояти аҳли ўзгача кўтаринкилик, катта шоду хуррамлик билан нишонлагани бежиз эмас. Негаки, кейинги пайтларда вилоятда саноат, йўл-транспорт, коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида залворли қадамлар ташланмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ ҳовли-жойлар ўз соҳибларига топширилган бўлса, Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Янгийўл ва Оҳангарон туманларида 143 хонадонли кўп қаватли тураржойлар ёш оилаларга тортиқ этилди. Ўндан ортиқ ижтимоий объектлар қурилиши якунига етказилди.

Водий гавҳари — Фарғона кейинги йилларда кўркам қиёфага эга бўлмоқда. Чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун барча қулайлик яратилаётир.

Байрам арафасида ана шундай бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайиб, кўплаб бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Хусусан, Қўқон шаҳридаги "Камолот", Фарғона шаҳридаги "Камалак" ёшлар ижод марказлари илк бор иқтидорли ўғил-қизларни ўз бағрига чорлаган бўлса, Фарғона туманининг Миндонобод, Бешариқ туманининг Товул қишлоқларида бўлиб ўтган уй тўйлари мустақиллик тантаналарига уланиб, қўшалоқ шодиёналарга айланиб кетди.

Хоразмда ҳам Истиқлол байрамининг кўтаринки руҳи ҳар бир шаҳару қишлоққа, ҳар хонадонга кириб борди. Натижада айём тадбирлари маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтди.

Хусусан, Урганч шаҳридаги "Авесто" боғ-мажмуида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал



Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган театрлаштирилган дастур юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларга ниҳоятда манзур бўлди. Эл севган таниқли хонандалар, бахшию ҳофизлар, фольклор жамоалар ҳамда халқ дасталарининг чиқишларида озод юртимиз ва меҳнаткаш халқимиз тараннум этилди.

Қашқадарё вилояти марказидаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган амфитеатр шодиёнага муносиб тарзда ранг-баранг байроқлар, қўлга киритилган ютуқларимизни ифодаловчи панно ва шиорлар билан безатилди. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар саҳнага кўрк бериш билан бирга, дилларни ҳам чароғон этди.

Тадбирда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг буюк мероси рамзий чиқишлар орқали ифодаланди. Ўтган йигирма уч йиллик мустақил тараққиёт даврида эришилган натижалар, ислоҳотлар самараси, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда қиёсий лавҳаларда акс эттирилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳрида қуввати 16300 кВАга тенг бўлган икки трансформаторли "Камолот" нимстанцияси фойдаланишга топширилди.*

### Электр таъминоти яхшиланди

Янги қурилманинг ўрнатилиши, энг аввало, амалда фойдаланилаётган қувват станцияларидаги зўриқишни бартараф этади. Ўз навбатида, таъминотдаги узилишларни кескин камайтириш имконияти юзага келади.

"Ўзэлектртармоққурилиш" очиқ акциядорлик жамиятининг 47-механизациялашган колоннаси ишчи-мутахассислари замонавий нимстанция қурилишида 6 миллиард 744 миллион сўмлик ҳажмда иш бажарди. Пировардида ҳудуддаги 133 та улгуржи истеъмолчи субъект ва 10337 та аҳоли хонадонида электр таъминоти янада яхшиланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўқув маркази фаолияти кенгаймоқда

*Яқин вақтларгача Тошлоқ туманидаги "Зияева Гулноза" ўқув марказида қизларга тикувчилик сирлари ўргатилар эди.*

Эндиликда бу ерда тайёр кийим-кечаклар, элита пардалар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган тикув дастгоҳлари ҳамда бичиш ускуналари сотиб олинди. Шу билан бирга, маркaзнинг бўш турган биноси ишлаб чиқариш цехига айлантирилди. Ҳозир бу ерда дастлабки босқичда 10 турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

Ишлаб чиқариш цехи тўла қувватга эришгач, ишчилар сони бир неча баробар ортади.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Иқлим шароитига мос ва сифатли

*Урганч туманидаги Чаккашоликор қишлоғида иш бошлаган "Khorezm Tech" қўшма корхонасида маҳсулот тайёрлашда энг сифатли пахта толасидан фойдаланилмоқда. Бу эса ички бозорни арзон ва иқлим шароитига мос пайпоқлар билан таъминлаш имконини бераётир.*

Умумий қиймати 800 минг долларлик ушбу фабрика йилига 1,5 миллион жуфт маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Ҳозир бу ерда 25 нафар йигит-қиз компьютерлаштирилган дастгоҳларни бошқармоқда.

Бундан ташқари, "Khorezm Tech" телевизор ва компьютер мониторлари йиғиш лойиҳасини амалга оширишни ҳам ўзининг истиқбол режасига киритган.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ДИЛ СЎЗИ

*Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик шодиёнаси ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз. Чунки бу йил пойтахтимизда ўтказилган асосий тантанада бевосита иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.*

# Ҳар манзили чароғон юрт

Айниқса, Юртбошимизнинг "Бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз — энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди" деган сўзлари жаранглаганда, беихтиёр ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари кўз олдимга келди.

Эсимда, мустақилликнинг дастлабки йилларида "Сирдарё иссиқлик электр станцияси" учун маҳаллий кадрлар тайёрлаш энг долзарб масалага айланган эди. Айрим кибри баланд "дўст"ларимиз "Бундай корхоналарни эплаб ишлата оласизларми?" дея сўз қотганлари ҳам ҳалиҳануз ёдимдан чиқмайди. Аксинча, Юртбошимиз ташаббуслари ва ғоялари асосида шундай бир илғор, муқобили бўлмаган кадрлар тайёрлаш тизими яратилдики, натижада корхонамиз барқарор ривожланиш йўлига ўтди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли эртанги куннинг масъулиятини ўз зиммасига олган ёш мутахассислар сафимизга қўшилиб, қунт билан малакаларини оширдилар. Бинобарин, ҳозирги кунда корхонамиз ишчи-ходимларининг барчаси айнан мустақиллик йилларида юртимизда ўқиган, касб эгаллаган маҳаллий мутахассислардир. Қувонарлиси, эндиликда қарийб етмиш фоизи ёшлардан иборат бўлган жамоамизнинг ҳаракати ва интилишини кўриб, барча ҳавас қилаяпти.

Сўнгги икки-уч йил ичида, очиғини айтсам, ёш энергетикларимиз киритган таклифлар асосида бир нечта техник янгиликлар амалиётга татбиқ этилди. Ширин шаҳридаги энергетика касб-ҳунар коллежини битирган мутахассисларни айтмайсизми?! Улар айни пайтда мураккаб таъмирлаш ишларини қойилмақом бажариш баробарида, ишлаб чиқариш жараёнида ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Айни чоғда корхонамизнинг иккита блокида модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Бу техник-технологик янгиланишлар ниҳоясига етказилгач, ҳар бир блокнинг электр қуввати яна 25 мегаваттга ошиб, ёнилғи сарфи сезиларли даражада камаяди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари каби энергетика соҳаси ҳам жадал тараққий этмоқда. Янги қувватлар ишга туширилиб, мавжудлари тубдан замонавийлаштирилаяпти. Мутахассисларимиз эса қуёш нуридан электр энергияси ҳосил қилиш борасида ҳам юксак тажрибага эгаки, буларнинг барчаси юртимизнинг ҳар манзили чароғон, халқимиз турмуши янада фаровон, уйлари нурафшон бўлишидан далолатдир.

**Шукурали МАМАТҚУЛОВ, «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

«Жиззах» МИЗ:

# Қўшма корхона иш бошлади

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида "Жиззах" махсус индустриал зонасида замонавий ишлаб чиқариш субъекти — "Қуёш иссиқлик энергияси" қўшма корхонаси фаолият бошлади.*

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Мазкур лойиҳа Хитойнинг "Hahgzhou Zhongwu Electronic Meters Co. Ltd" компанияси, "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари" корхонаси ва "Электрон ҳисоблагич" масъулияти чекланган жамияти томонидан рўёбга чиқарилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда сўзга чиққанлар юртимизда тадбиркорларга, хусусан, хорижий инвесторларга яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳақида тўхталиб, "Қуёш иссиқлик энергияси"нинг ишга туширилиши ана шу ҳаётбахш ислоҳотлар меваси эканлигини таъкидладилар.

Ўттиз тўққиз киши доимий иш билан таъминланган корхонада дастлаб йилига 15 минг дона, кейинчалик 50 минг дона 150 литрдан 300 литр сиғимгача бўлган қуёш батареялари ёрдамида сув иситиш коллекторлари ишлаб чиқарилади. Улардан уй-жойлар, корхона ва ташкилотлар биноларида фойдаланиш мумкин. Ҳисоб-китобларга қараганда, шу орқали газ ва электр энергиясини тежаш ҳисобига йилига 2,5 миллиард сўмгача маблағни иқтисод қилиш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, "Жиззах" махсус индустриал зонасида йил охиригача чет эллик сармоядорлар иштирокида яна 8 та янги корхона ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.



**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Х. САЛИХОВ олган сурат.

ИСЛОҲОТ

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар биримизнинг кўз ўнгимиздан биз эришаётган юксак марралар, кун сайин юксалиб, чирой очиб бораётган озод ва обод Ватанимиз манзаралари ўтади. Шундай дамларда кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган ҳақли саволни ўзимизга берамиз. Жавоб аниқ. Бугун ўз салоҳиятимиз ва иқтидоримизни сафарбар этиб, улкан ютуқларга эришаяпмиз. Муҳими, биз буюк аждодларнинг муносиб ворси, кучли, етук ва иродаси қатъий халқ эканлигимизни жаҳонга исботладик.*

# Инсон манфаатлари — олий қадрият

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик халқимизнинг руҳий ва маънавий сарчашмаларини очиб юборди, мислсиз бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқарди. Шунга мос равишда юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Буни инсон манфаатларини таъминлаш, унинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш йўналишидаги ислоҳотлар натижалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги глобал ривожланиш даврида дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишсизлик билан боғлиқ муаммолар келиб чиқаётган бир шароитда Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Республикамизда янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кенгайтириш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, улар учун кафолатланган иш ўринлари ташкил этиш йўналишларида олиб борилаётган ишлар юқори самара бераётгани барчага маълум. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар, аввало, давлат кўмагини, айни чоғда ННТнинг фаолиятини ҳар қадамда ҳис этиб турибди, десак, айни ҳақиқат. Бу борада республика касаба уюшмалари томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Давлат дастурларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратиш баробарида, кенг жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. Ҳукумат, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув эса ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришда қўл келмоқда. Ҳудудий келишувларга аёллар ва ёшлар учун ихтисослаштирилган иш ўринлари яратиш, жумладан, касаначиликни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини барқарорлаштириш каби масалалар киритилгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида касаба уюшмалари томонидан 3 минг 200 га яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда 26 минг 544 та иш ўрни ҳақиқатда ташкил этилгани ўрганилди. Касаба уюшмалари маблағлари йўналтирилиши ҳисобига эса 100 дан зиёд иш ўрни яратилган.

Коллежлар ўқувчиларининг корхона ва ташкилотларга бириктирилиши ҳамда улар бандлигини таъминлаш борасида жамоатчилик назорати йўлга қўйилгани ушбу йўналишдаги ишлар самарасига ижобий таъсир кўрсатаётир. Биргина мисол: тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қўнимлилигини ўрганиш тизими жорий этилган бўлиб, бу битирувчиларнинг иш жойида муқим ўрнашишига кўмаклашаяпти. Қолаверса, корхоналарда амалиёт ўтаётган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари бўлган коллеж ўқувчиларига, шунингдек, ишга қабул қилинган битирувчиларга бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам ажратилмоқда.

Шу ўринда юртимиз меҳнат қонунчилигида халқаро стандартларга мос имтиёз ва кафолатлар белгиланганлигини ҳам қайд этиш жоиз. Хусусан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 52-Конвенциясига кўра, йиллик асосий таътил муддати 6 иш куни миқдорида белгиланган. Республикамизда бундай таътил барча ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддатга берилади. Бир қатор тармоқларда эса ходимларнинг иш стажига қараб йиллик асосий таътил муддатини узайтириш амалиёти ҳам қўлланилмоқда.

Айниқса, юртимизда оналикни муҳофаза қилиш борасида халқаро стандартлар талабларига нисбатан имтиёзли бўлган шарт-шароитлар яратилганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, Халқаро Меҳнат ташкилотининг 103-Конвенциясига мувофиқ, оналик таътили муддати камида 12 ҳафтани (84 кун) ташкил этиши белгиланган бўлса, Ўзбекистонда ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати 126 календарь кунидир. Қатор жамоа шартномалари орқали бу муддатни узайтириш, оналикни муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари кўрилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Касаба уюшмалари томонидан ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги имтиёз ва қулайликлардан нодавлат секторида меҳнат қилаётган ходимларнинг фойдаланишларини таъминлаш ҳам доимий назоратга олинган. 2013 йилнинг биринчи ярмида республика бўйича нодавлат сектор субъектларидан 2 минг 255 таси касаба уюшмасига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 28 минг 733 нафар ходим аъзоликка қабул қилинган эди. Жорий йилнинг шу даврида эса 8 минг 911 ташкилотнинг 65 минг 839 нафар ходими ана шундай имкониятдан фойдаланди.

Бугун 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотига эга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ходимлар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда жамоа шартномаси ва келишувлари ижроси изчил йўлга қўйилган. Зеро, бу ҳужжатлар ходимларнинг даромадини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда корхона ва ташкилотларда 98 мингга яқин жамоа шартномаларига қатъий амал қилинаяпти. Яъни республикадаги касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг 96 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Республика касаба уюшмалари ходимлар ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш билан бирга, аҳоли, хусусан, ёшлар онгига истиқлол ғояларини сингдириш, ютуқларимизнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш масаласида ҳам самарали фаолият юритмоқда. Шу мақсадда корхона, ташкилот ва муассасаларда "Маънавият соатлари" ҳамда давра суҳбатлари ўтказилаётир. Бундай тадбирларда Ватанимиз тараққиёти, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, уч томонлама ижтимоий ҳамкорлар — давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари иштирокида олиб борилаётган ижтимоий мулоқотнинг инсон манфаатлари ҳимоясини кучайтиришдаги аҳамияти таҳлил қилинмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари самарали фаолият юритиб, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлган мамлакатимизнинг тараққиёти учун астойдил хизмат қилмоқда.

**Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси.**

ИЗЛАНИШ

Шуманайлик тадбиркор Р. Жарилқасинов полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Инвест сервис Шуманай” хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди ва Қўнғирот сода заводининг илк буюртмасини қабул қилди.

# Тадбиркор катта миқдорда буюртма олди

Кунига 15 минг донагача беш турдаги қоп ишлаб чиқариш имкониятига эга хориж технологиясини ўзлаштиришда банкнинг 274 миллион сўмлик молиявий кўмаги қўл келди.

— Кейинги йилларда полипропилен қоплар кундалик турмушимизда кенг қўлланилмоқда, — дейди тадбиркор. — Чунки у фойдаланиш учун жуда қулай. Мустаҳкам, енгил, ўзидан нам ўтказмайди ва чиримайди. Қурилиш материалларидан тортиб, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда ва ташишда ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Мазкур лойиҳани амалга оширишда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдик.

Аҳамиятлиси, замонавий технология ёрдамида буюртмачи хоҳишига кўра қопларга турли тасвир ва ёзувларни ҳам тушириш мумкин.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Автоматлаштирилган тизим орқали парваришланади

*Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ўзининг касаначилик маркази, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги ҳамда чорвачилик мажмуасига эга.*

ЯНГИЛИК

Яқинда корхона ёрдамчи тармоқлари сони яна биттага кўпайди, яъни паррандачилик мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Когон туманидаги ташландиқ ерда қад ростлаган мазкур мажмуа замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барча юмушлар автоматлаштирилган тизим асосида бажарилади. Айни дамда бу ерда 60 мингта наслли жўжа парвариш қилинаяпти. Эътиборлиси, ёрдамчи хўжалик шарофати билан 37 та иш ўрни яратилди.

— Бухоро енгил саноат коллежида таҳсил олдим, — дейди Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси Наргиза Турсунова. — Завод тасарруфидаги ушбу паррандачилик фермасида меҳнат қилаётганимдан, халқимиз дастурхонини янада тўкин этишдек эзгу ишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ютуқларимиз мезони

*Осмони мусаффо, боғу роғлари, бозорлари файз-баракали юртда яшаймиз. Шунинг учун бўлса керак, ким билан суҳбатлашмайлик, айниқса, кўпни кўрган нуронийлар, ёши улуғ кишилар бугунги дориламон ҳаётимиз, тинчлик ва осудалик, улуғвор бунёдкорликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапиришади. Бу бежиз эмас. Негаки, буюк неъмат — Истиқлол туфайли мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида улкан ўзгаришлар намоён бўлмоқда.*

ФАХР

Жумладан, Андижонда ҳам бугун мислсиз янгиланишлар рўй бераяптики, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ: бири-биридан кўркам бинолар, кенг ва файзли кўчалар. Буларнинг барчаси бунёдкорлик фазилати, ҳақиқатан, халқимизнинг қалби ва руҳиятига сингиб кетганлигини англатади.

Андижонда бўлиб, турли соҳа вакиллари билан мулоқот қилдик. Уларнинг бугунги ютуқлардан фахрланишидан беҳад қувондик. Зеро, яратилаётган улкан шароитлар ана шу завқу шавқнинг асосий манбаидир, албатта. Масалан, тадбиркор Кимсанбой Зокиров тажриба алмашиш учун кўплаб мамлакатларда бўлган. У чет элдан олган таассуротлари ҳақида гапирар экан, инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида рўй бераётган бекиёс ислоҳотларнинг улкан самарасини таққослаб, қисқа фурсатларда оламшумул натижаларга эришаётганимизни ғурур билан айтиб берди.

— Ён-атрофимизга қарайлик, — дейди у. — Кўз ўнгимиздаги ҳар бир ўзгаришлар, қурилишлар — ҳаммаси сизу биз, фарзандларимизга хизмат қилмоқда. Айниқса, биз, тадбиркорларга яратилаётган имконияту имтиёзларнинг чек-чегараси йўқ. Шундай экан, бундай юртда фақат яхши ният, эзгу ташаббус билан яшаш керак.

— Тўғри айтасиз, — дея ҳамкасбининг фикрини қўллаб-қувватлайди Қобилжон Маматов. — Бугун бирор бир соҳа йўқки, давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса. Ўзимизни олайлик. Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик халқимизнинг қонида борлигини инобатга олиб қандай имтиёз, қандай кўмак керак бўлса, барчасини яратиб бераяпти. Шунинг учун бундай шарт-шароитнинг қадрига етиб, шижоат кўрсатиб ишласак, эл-юртга наф келтирсак айни муддаодир.

Бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги комил инсон тимсоли — Фарҳодга хос фазилатлар халқимизда бугун янгича суръатда бўй кўрсатмоқда. Бунинг самарасини ҳар бир соҳа ривожида, юксалишида кўраяпмиз. Аслида, йигирма уч йил — тарих учун жуда қисқа фурсат. Лекин яна бир ҳақиқат борки, йилларнинг салмоғи адади билан эмас, самараси билан белгиланади. Ана шу маънода, ўтган йигирма уч йилда барча жабҳада асрларга татигулик ютуқларга эришганимиз ҳам бунинг яққол исботидир. Бундай ютуқларни кўриб завқ олмаслик, илҳомланмаслик мумкин эмас. Шундай экан, мамлакатимиздаги осойишталик, улкан ва бекиёс бунёдкорлик, юртдошларимиз чеҳрасидаги шукроналик ҳар биримизни юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундамоғи муқаррар.

**Абдуғани СУЛАЙМОНОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

1058/564

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 29 январдаги 19-1203/17993-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод шаҳри, Катта ҳаёт маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, «Мурод Сардор Сервис» хусусий корхонасига тегишли, фойдаланиш майдони 657,27 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 26 хонадан иборат, босмахона бино-иншоотларининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 207 012 000 сўм.***

**2.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 11 июндаги 1-388-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Сеплон» ҚФЙ, Килкон маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 1137,80 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 39 хонадан иборат «Ойбек» номли сут ва консерва ишлаб чиқариш хусусий корхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 67 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 мартдаги 1-452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 60,46 кв.м. бўлган, 2-қаватда жойлашган, 1 хонадан иборат савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 63 657 345 сўм.***

**2.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 23 сентябрдаги 1-1181-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янги шаҳар маҳалласи, Ибн Сино кўчаси, 2/7-уйда жойлашган, умумий майдони 67,59 кв.м. бўлган, 2-қаватда жойлашган, 3 хонадан иборат тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 33 500 000 сўм.***

**3.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 13 августдаги 19-1306/5790-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, М. Қорабоев маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 489,04 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 36 хонадан иборат даволаш биноси, ҳожатхона, омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 134 130 000 сўм.***

**4.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 5 августдаги 19-1306/5154-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Боболочин маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 40,73 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 хонадан иборат савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**5.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 26 июлдаги 19-1306/5151-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Бўстон маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 1290,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат лимонзор биноси.

***Бошланғич баҳоси — 59 403 448 сўм.***

**6.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 мартдаги 1-458-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Жалоир маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 48,64 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат дорихона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 15 770 000 сўм.***

**7.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 октябрдаги 1-1190-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, «Қумқўрғон» ҚФЙ, Чаёнтепа маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 141,61 кв.м. бўлган, 1-қаватда жойлашган, 9 хонадан иборат тураржой, бостирма, ҳожатхона, омборхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 45 300 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 апрелдаги 19-1407/2186-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, М. Қаҳҳор кўчаси, 89-уйда жойлашган, «Сурхондарё таъминбутлаш» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1 221,99 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 39 хонадан иборат маъмурий ва хўжалик бинолари қисми.

***Бошланғич баҳоси — 405 700 000 сўм.***

**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 21 январдаги 19-1306/15620-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Юнус Ражабий кўчасида жойлашган, «Покиза» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 556,61 кв.м., 7 хонадан иборат, 2009 йилда қурилган, 2 қаватли ертўлали савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Телефон: (8-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1368А/1453

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, Андижон кўчасида жойлашган «Qorasuv savdo» МЧЖ савдо мажмуаси дўконларини сотиш бўйича бевосита музокара тартибида олиб бориладиган очиқ савдолар ўтказилишини эълон қилади.**

**Почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси, 170100, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 39-уй.

**Савдога қўйиладиган объектлар** — «Qorasuv savdo» МЧЖ савдо мажмуасининг 50 та дўкони.

| Кадастр бўйича литери | Дўкон рақами | Умумий майдони, кв.м. | Шу жумладан: дўкон майдони, кв.м. | Шу жумладан: омбор майдони кв.м. | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| Литер А | 1 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| | 2 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| | 3 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| | 4 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| | 5 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| | 6 | 31,36 | 22,4 | 8,96 | 45 457 251,58 |
| Литер Б | 7 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 24 140 780,38 |
| | 8 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 24 140 780,38 |
| | 9 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 24 140 780,38 |
| | 10 | 64,96 | 64,96 | 0 | 50 005 902,22 |
| Литер В | 11 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 840 972,62 |
| | 12 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 840 972,62 |
| | 13 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 840 972,62 |
| | 14 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 840 972,62 |
| | 15 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 840 972,62 |
| Литер Г | 16 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 899 609,56 |
| | 17 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 899 609,56 |
| | 18 | 64,96 | 64,96 | 0 | 53 649 191,23 |
| | 19 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 899 609,56 |
| | 20 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 899 609,56 |
| | 21 | 31,36 | 20,16 | 11,2 | 25 899 609,56 |
| | 22 | 13,44 | 8,64 | 4,8 | 11 099 832,67 |
| Литер Д | 23 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 24 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 25 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 26 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 27 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| Литер Д1 | 28 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 29 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 30 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 31 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 32 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 33 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 34 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| | 35 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 32 014 301,41 |
| Литер Е | 36 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 37 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 38 | 80,6 | 69,96 | 10,64 | 68 248 255,35 |
| | 39 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 40 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 41 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 42 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 43 | 80,6 | 69,96 | 10,64 | 68 248 255,35 |
| | 44 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| | 45 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 33 666 881,30 |
| Литер Ж | 46 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 47 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 48 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 49 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |
| | 50 | 39,76 | 29,12 | 10,64 | 31 804 273,69 |

**Музокаралар ўтказиладиган сана, вақт ва жой:**

2014 йил 9 октябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими биносида.

Манзил: Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 39-уй.

**Бўнакни киритиш миқдори, муддати ва тартиби.**

Дўконлар бошланғич қийматининг 10 фоизи миқдоридаги бўнак даъвогар томонидан сотувчининг махсус ҳисобварағига эълон чоп этилган санадан бошлаб таклифларни қабул қилиш муддати тугайдиган кунгача киритилади. Тўлов ҳужжатида дўкон рақами кўрсатилиши керак.

**Бўнакни киритиш учун банк реквизитлари:**

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Андижон вилояти бўлимидаги
ҳисоб-китоб рақами 29801000800000074311,
банк коди (МФО) 00074,
СТИР (ИНН) 200242929,
ХХТУТ (ОКОНХ) 96120.

**Даъвогарларнинг таклифлари қабул қилинадиган жой, даъвогарларнинг таклифларини қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт.**

Иштирок этиш тўғрисидаги таклифлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими биносида қабул қилинади.

Манзил: Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 39-уй.

Аризаларни қабул қилиш 2014 йил 6 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**Даъвогарларнинг таклифлари елимланган хатжилдларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширилади:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта йўли билан ўтказиладиган савдоларда қатнашиши учун берилган, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, оммавий оферта йўли билан ўтказиладиган савдоларда тўлиқ ваколатли вакил қатнашадиган ҳолларда эса, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- банк ҳисобварағига бўнак киритилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- таклиф қилинаётган харид суммаси ва бу маблағ киритиладиган муддат.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари даъвогарнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Олди-сотди шартномасини тузиш шартлари (таклиф қилинадиган харид тўловлари суммаси, уларни киритиш муддати ва шартлари).**

Олди-сотди шартномаси савдо баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиктирилмай сотувчи ва харидор томонидан ёзма шаклда имзоланиши ҳамда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Харид тўловлари тузилган шартнома шартларига мувофиқ, лекин шартнома имзоланган санадан бошлаб 90 кундан ошмайдиган муддатда тўланади.

**Бошқа шартлар:**

- олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда сотилган объектларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш харажатларини харидор тўлайди;
- савдо ғолиби баённомани ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бўйин товласа ёхуд буни рад этса, у киритган бўнак суммаси қайтариб берилмайди.

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Ўзбекистон Республикаси, 170100, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 39-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими. Телефонлар: (8-374) 228-48-70, 228-48-73.**
**Қорасув шаҳрида (+99890) 527-10-13, (+99893) 706-99-91.**

1350А/647



1161А/85

# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

## мамлакатимизда умуммиллий даражага кўтарилган бўлиб, устувор аҳамиятга эгадир




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, янги ўқув йилида 9739 та умумтаълим мактабида 4 миллион 458 минг 162 нафар ўқувчи таълим олади. Жумладан, бу йил 587 минг нафардан зиёд ўғил-қиз 1-синфга қадам қўйди. Уларнинг барчасига "Президент совғаси" сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчи портфелидан иборат совғалар тантанали равишда топширилди.

"Мустақиллик дарси" соатларида Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқига алоҳида эътибор қаратилди.

— Юртимизда ўзининг юксак салоҳияти, кенг дунёқараш ва ноёб истеъдоди, мислсиз кашфиётлари туфайли жаҳон аҳлини ҳайратлантириб келаётган улуғ алломалар камол топган, — дейди "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси, Сирдарё туманидаги 13-умумтаълим мактабининг директори Зулхумор Холиқова. — Айтайлик, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг асарлари орадан неча асрлар ўтса ҳамки, дунё тамаддунида ўз улуғворлигини сақлаб келмоқда. Бу эса озод ва обод Ўзбекистонимизнинг азиз фарзандлари — фаол, интилувчан, иқтидорли ва маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни чуқур эгаллаган — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларни камол топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг мазкур нутқи ёшларни аждодларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялаш ва уларда ватанпарварлик фазилатларини кучайтириш ҳамда бу борадаги тарғибот ишларини тизимли ташкил этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, Юртбошимизнинг ушбу халқаро конференциядаги маърузасини жорий йил сентябрь-октябрь ойларида умумтаълим мактабларининг 9-синфларида факультатив курс сифатида ўқитиш йўлга қўйилади. Шунингдек, 3 — 8-синфларда "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Тарих", "Адабиёт", "Математика", "Кимё", "Физика" ва "Иқтисодий билим асослари" фанларининг тегишли мавзулари мазмунига сингдириб ўқитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

2014 йилда жами 381 умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, шундан 220 таси реконструкция қилинди, 161 таси капитал таъмирланди. Ушбу мақсадларга жами 282 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари, жорий йилда жами 3 024 та умумтаълим мактаби ҳамда 48 та болалар мусиқа ва санъат мактабини 106,2 млрд. сўмлик мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ҳамда мусиқа чолғу асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Буларнинг барчаси юртимизда билимли, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли ва маънавиятли, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ, Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

■ ҲАМКОРЛИК

*Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда пойтахтимизда янги Сеул боғи фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, халқаро ҳамда дипломатик корпус вакиллари, юртимиздаги маданият марказлари фаоллари иштирок этди.*



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Азалий ришталар рамзи

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири М. Ҳожиматов, Сеул шаҳри вице-мэри Им Жонг Сок, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён ҳамда бошқалар фойдаланишга топширилган мазкур боғ халқларимиз ўртасида йил сайин ривожланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг ўзига хос рамзи эканлигини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, ушбу боғ Президентимизнинг 2010 йил февраль ойида давлат ташрифи билан Корея Республикасига қилган сафари чоғида икки мамлакатнинг пойтахти маъмуриятлари ўртасида имзоланган битим асосида бунёд этилди. Ушбу маскан Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

— Ҳам ўзбек, ҳам корейс халқи учун қадрли бўладиган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшаларидан бирида кўҳна Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўташига ишонаман, — дейди Сеул шаҳри вице-мэри Им Жонг Сок. — Ўз навбатида, барча ўзбекистонликларни қутлуғ сана билан муборакбод этаман.

Сеул боғи пойтахтимизда жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида ташкил этилди. Боғдаги ранг-баранг шийпонча ва айвонлар, сунъий ҳовуз ҳамда дарахтлар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига корейс халқи маданиятини теран ҳис этиш имконини беради.

Боғнинг очилиш маросимида ўзбекистонлик ва кореялик санъат вакиллари иштирокидаги бадиий дастур кечага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов сўзга чиқди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# Садоқат ва фидойилик ифодаси

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий таълим муассасаларида биринчи курсга қабул қилинган курсантларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтди.*

■ МУҚАДДАС БУРЧ

Жасур ва мард ўғлонларнинг Ватанга садоқат туйғусини ифода этувчи ушбу маросим ҳар йили 1 сентябрь санасида ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Зеро, Истиқлол барчамизнинг ҳаётимизга янгича мазмун олиб кирди. Орзу-умидларимиз рўёбини кўриш, тинч ва осуда, эркин ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш бахтини берди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимизда"дир.

Она юртига меҳр-муҳаббатли, садоқатли ҳар бир юртдошимиз шак-шубҳасиз, ушбу масъулиятни доимо ҳис қилиб яшайди. Айниқса, бугун профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар фидойиликда тенгсиз саналишади. Шу боис ҳам улар зиммаларига юклатилган шарафли вазифани сидқидилдан адо этишга, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга, мусаффо осмонимизни, сарҳадларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қасамёд қиладилар.

Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети биринчи курс курсантлари пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида ҳарбий қасамёд қабул қилишди. Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва унинг самараларини яна бир карра эътироф этдилар.

— Биз, ёшларга Президентимиз, халқимиз, давлатимиз нимани истасак барчасини берди, — дейди курсант Илёс Аҳмаджонов. — Бу муқаддас Ватанимиз бизга улуғ аждодларимиздан мерос. Албатта, уни кўз қорачиғидек асраймиз. Тинчлик ва осойишталигимизни ҳимоя қиламиз.

Курсантларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган бундай тантанали тадбирлар, шунингдек, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ҳам жорий йилда ўқишга қабул қилинган тингловчиларнинг ҳарбий ва божхоначи қасамёдини қабул қилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Марказий Осиёда ягона бўлган, 2003 йилда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур таълим даргоҳида 11 кафедра, ихтисослаштирилган ўқув хоналари, кимё ва криминалистика лабораториялари, амалий машғулот майдончалари, шунингдек, иккита замонавий тураржой, спорт мажмуаси мавжуд бўлиб, уларда тингловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув жараёни давлат таълим стандартлари асосида тасдиқланган режага мувофиқ олиб борилади. Институтда эгалланган назарий билимларни бевосита божхона амалиёти билан узвий боғлаш, бўлажак божхоначиларда танлаган мутахассисликлари бўйича кўникмани шакллантириш мақсадида уларнинг Давлат божхона қўмитаси, ҳудудий бошқарма бўлимлари, божхона комплекслари ва постларида амалиёт ўташлари йўлга қўйилган.

Тадбирда биринчи босқич тингловчилари тантанали қасамёд қабул қилдилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сунбула — пишиқчилик мавсуми




*Сезган бўлсангиз, шу кунларда ҳарорат пасайиб, айниқса, тунлари салқин тушмоқда. Бу қуёш асад буржидан сунбула томон оғганидан далолатдир. Шундай паллада баъзи кунлар об-ҳаво нисбатан иссиқ бўлса-да, кечаси ҳарорат пасайиши кузатилади.*

Ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, олтинчи ой — сунбула. Халқ мақолида айтилганидек, "сунбуланинг туққанини сув билар". Яъни бу ой кириши билан ариқ, жилға ва дарё сувлари совийди. Тошдан-тошга урилиб оқаётган зилол обиҳаёт янада тиниқлашади. Шу боис чуқур дарёларнинг тубини ҳам яққол кўриш мумкин.

Бошқача айтганда, сунбулада сув "семиради". У — наинки наботот олами, балки жамики жонзот учун кони фойда. Ҳосилни узоқ ва сифатли сақламоқчи бўлган деҳқонлар экинини сунбула сувига қондиришининг сабаби шунда.

Сунбула деҳқончиликдаги энг тиғиз меҳнат мавсумини бошлаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки бу даврга келиб, деҳқону соҳибкорларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилган ҳосил тарозига тушади. Пахта йиғим-терими бошланади.

Энг сифатли, саноатбоп тола берадиган пахта айни сунбулада жамғарилади. Нега деганда, ушбу ойда фойдали иссиқликни олган кўсаклар лўппи-лўппи бўлиб очилади. Ёғингарчилик кузатилмаслиги эса тола сифатини янада оширади, ранги тиниқ бўлишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, сунбула айни пишиқчилик давридир. Бу пайтда мева-чевалар қийғос пишиб, бол йиғади. Айниқса, узум шарбатга тўлади. Полиз экинларидан қовун асал билан баҳслашади. Халқимизнинг "Асадда оралаб е, сунбулада саралаб" деган мақолида айни шунга нисбат берилган.

Кексаларнинг айтишича, "Сунбуланинг бир куни қишнинг ўн кунини босади". Бунинг маъноси шуки, унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, олтин куз неъматларини қишга ғамлаб қўйиш керак. Буни яхши англаган юртдошларимиз қишки озуқа захирасини яратиш, омборларини дала ва боғ неъматлари билан тўлдириш пайидан бўлишмоқда. Доно халқимиз "Асад билан сунбула, ҳисоб билан муомала", деб бежиз айтмаган.

Гарчи сунбулада асосий экинлар ҳосили пишиб етилса-да, сабзи, шолғом, лавлаги, маккажўхори, картошка каби такрорий экинлар парвариши авж паллага киради. Юртдошларимизга кўклам чоғида эртаки неъматларни тақдим қилмоқчи бўлган тадбиркор миришкорлар эса аллақачон экин-тикин ишларини бошлаб юборишган. Боиси — баҳорги пиёз ва саримсоқпиёз уруғлари сунбуладан кечиктирилмай қадалгани маъқул. Зеро, халқ мақолида таъкидланганидек, "Сунбулада сув совийди, мезонда — кун".

**С. ИБОДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

■ БУНЁДКОРЛИК

*Ширин шаҳрида бунёд этилган янги мусиқа ва санъат мактаби биноси ичида умуман акс садо пайдо бўлмайди.*

# Сирдарёда янги санъат кошонаси

Бунинг учун девор ораларига махсус овозюткич — пикля материали ўрнатилди. Қолаверса, лойиҳаловчи ва қурувчилар ушбу мақсадда мактаб деворларининг одатдагидан қалин бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Лойиҳа қиймати 2 миллиард 750 миллион сўмлик санъат кошонаси 150 нафар ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Бу ерда 200 ўринли концерт зали ҳам мавжуд. Бундан ташқари, болалар билан якка тартибда машғулотлар ўтказиш учун махсус хоналар ҳам ташкил этилган.

Айтиш жоизки, шу кунгача Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Сирдарё вилоятидаги 13 та мусиқа ва санъат мактаби янги биноларга эга бўлди. Ҳозир Бахт шаҳрида ҳам ана шундай мактаб қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН •







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 141 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5